| ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ **ҚАРОРИ** | ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ **ҚАРАРЫ** |
|---|---|
| Нукус шаҳри | Нөкис қаласы |
| № 174 | «9» март 2018 й.ж |

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 мартдаги «Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида 2017 йил пахта ҳосилини етиштиришда йўл қўйилган камчиликлар ва уларни келгусида бартараф этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 159-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 мартдаги «Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида 2017 йил пахта ҳосилини етиштиришда йўл қўйилган камчиликлар ва уларни келгусида бартараф этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 159-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 мартдаги «Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида 2017 йил пахта ҳосилини етиштиришда йўл қўйилган камчиликлар ва уларни келгусида бартараф этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 159-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори билан қуйидагилар:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида;

пахта ҳосилини етиштириш ва уни йиғиб-териб олишда камчиликларга йўл қўйилганлиги, ғўза парваришида агротехника тадбирлари белгиланган муддатда сифатли ўтказилмаганлиги учун Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани ҳокими Ф.Эрманов огоҳлантирилганлиги;

пахта ҳосилини етиштирувчи фермер хўжаликлари билан тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида дебитор-кредитор қарздорликларнинг ўсишига йўл қўйганлиги учун туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари И.Маткаримов огоҳлантирилганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига тегишли равишда бир ой муддатда туман прокурори, туман ички ишлар бўлими бошлиғи, туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғига нисбатан йўл қўйилган камчиликлар учун белгиланган тартибда тегишли чоралар кўриш тавсия этилганлиги;

в) Пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари билан тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида мавжуд бўлган дебитор ва кредитор қарздорликларини ундириш бўйича 4 та сектор раҳбарларига ўрнатилган тартибда зарур чораларни кўриш топширилганлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасига мавжуд кредитор қарздорликларни белгиланган тартибда ундириш тавсия этилганлиги;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши мазкур қарор ижроси бўйича ҳар чоракда Халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида тумандаги 4 та сектор раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориши ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т.Мирзаевга ахборот бериш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

Беруний туманида 2017 йил пахта ҳосилини етиштириш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастури 1-иловага мувофиқ;

Фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизмлари етказиб беришнинг 2018-2019 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

Барча тоифадаги фермер хўжаликларининг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги кредитор қарздорликларини ундиришининг режа жадвали 3-иловага мувофиқ;

2018 йилда фермер хўжаликлари томонидан экин майдонларидан ташқарида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларда енгил конструкцияли ва кам харажатли дала шийпонлар ва иссиқхоналар қуриш, парранда, соғин сигир ҳамда асалари боқишни ташкил этишнинг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ;

2018 йилда фермер хўжаликлари томонидан пахта ва ғалла экинлари экиладиган ер майдонлари атрофларидаги дала четларининг ҳисоб-китоби 5-иловага мувофиқ;

Фермер хўжаликлари томонидан 2018 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинлари ва чигит экиладиган майдонлар атрофларидаги дала четларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг прогноз кўрсаткичлари 6 ва 6а -иловаларга мувофиқ;

2018 йилда кузги бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Беруний тумани ҳокимлиги билан биргаликда 2018 йилнинг 10 мартига қадар туманда 2018 йил ҳосили учун экиладиган экинларнинг тупроқ-иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда оқилона жойлаштирилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Қорақалпоғистон бўлими туманлар ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йилда фермер хўжаликларида режалаштирилган экинларни парваришлаш, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш ҳамда агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш юзасидан 2018 йилнинг март ойида туманларда фермер хўжаликлари учун кўргазмали семинарлар ўтказилишини ва мавсум давомида амалий ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор ижроси бўйича ҳар чоракда тумандаги 4 та сектор раҳбарлари амалга оширилган ишлари юзасидан Вазирлар Кенгашига ахборот бериб борсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Қ.Сариев**

**Вазирлар Кенгашининг**
**2018 йил ___ мартдаги**
**_____- сонли қарорига**
**1-илова**

**Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида 2017 йил пахта ҳосилини етиштириш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича**

**ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

| № | Йўл қўйилган камчиликлар | Бартараф этиш тадбирлари | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Фермер хўжаликларининг фаолиятини такомиллаштириш ва ер майдонларини мақбуллаштириш** | | | | |
| 1. | Тумандаги 22 та фермер хўжалиги томонидан давлатга пахта сотиш бўйича шартномавий мажбуриятларни бажарилмаслиги натижасида режага нисбатан 375,7 тонна пахта хом ашёси кам топширилган. | 1. 2017 йилда давлатга пахта хом ашёсини сотиш бўйича шартномавий мажбуриятларни бажармаган, йилни зарар билан якунлаган фермер хўжаликларининг фаолиятини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда улар билан тузилган ер-ижара шартномаларини белгиланган тартибда бекор қилиш.<br>2. Ер ижара шартномалари бекор қилинган фермер хўжаликлари ерларини қайта лойиҳалаш ва белгиланган тартибда ҳақиқий ер эгаларига бериш.<br>3. Белгиланган тартибда янги фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва улар билан ер ижара шартномаларини тузиш. Уларга 2018 йил ҳосили учун пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича экинларнинг адолатли жойлаштирилган режаларини тақдим этиш ва фаолият юритиш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш. | 2018 йил 15-мартгача<br>2018 йил март<br>2018 йил март | Беруний туман ҳокимлиги, Адлия вазирлиги (Садиқов) Давлат солиқ бошқармаси (Сапарбаев), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Султанов). Қорақалпоғистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Нуримбетов) |

| № | Йўл қўйилган камчиликлар | Бартараф этиш тадбирлари | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| **II. Агротехника тадбирларини ўтказиш ва ташкил этиш** | | | | |
| 2. | Туманда кузги шудгорлаш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, минерал ўғитлар билан озиқлантириш ишлари сифатсиз ва ўз муддатидан кечиктириб ўтказилиши оқибатида пахта ҳосилининг йўқотилишига йўл қўйилган. | 1. Туманда 2018 йил ҳосили учун ерларни шудгорлаш, текислаш, шўр ювиш ишларини ўз муддатларида сифатли қилиб амалга ошириш.<br>2. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва минерал ўғитлар билан озиқлантиришда қатнашадиган қишлоқ хўжалиги техникаларини мавсумга тайёрлаш. | 2018 йил март<br>2018 йил март | Беруний туман ҳокимлиги<br>“Агроинтехника МТП” ДК, (Худаяров) “Қорақалпоқ Агро сервис МТП” МЧЖ, (Ҳакимов), “ҚҚдавтехназорат” инспекцияси (Айтжанов), “ҚҚагрокимёҳимоя” ҲАЖ (Джуманиязов) |
| 3. | Тумандаги фермер хўжаликлари тасарруфидаги 8 та насос тармоқларининг эскирганлиги сабабли уларнинг сув чиқариш қобилияти меъёрга нисбатан пасайган, электр энергия сарфи эса ошган. Фермер хўжаликларининг электр энергиясидан фойдаланиш бўйича қарздорлигининг мавжудлиги сабабли, насос станцияларини электр тармоғидан огоҳлантиришсиз узиб қўйиш ҳолатларига йўл қўйилган ва бир маромда ишлашини таъминлашда муаммолар юзага келган. Натижада, 9 та фермер хўжалигининг 250 гектар ғўза майдонларини ўз вақтида суғоришда қийинчиликлар бўлган. | 1. Сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатация маблағлари ҳисобидан 58 км ирригация тизимини тозалаш ва 26 дона насос станцияларини таъмирлаш.<br>2. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларининг маблағлари ҳисобидан 294 км суғориш тармоғини тозалаш ҳамда 35 дона насос станциясини таъмирлаш.<br>Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 3,5 км коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш, 166 км коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга ошириш. | 2018 йил тармоқ жадвал бўйича | Қуйи Амударё ИТҲБ (Узақов), Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича вакили (Хожаметов), Беруний туман ҳокимлиги, сув истеъмолчилари уюшмалари, фермер хўжаликлари |
| 4. | Ғўзани балл бонитети паст, сув билан яхши таъминланмаган, кам ҳосилли ер майдонларига чигит экилишига йўл қўйилганлиги натижасида режадаги | Тумандаги фермер хўжаликларининг ер балансидан келиб чиқиб, экинларни ҳар бир экин тури кесимида жойлаштириш. Бунда: | 2018 йил март | Беруний туман ҳокимлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Аминов) Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Султанов) |



| № | Йўл қўйилган камчиликлар | Бартараф этиш тадбирлари | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | пахта ҳосили олинмаган. | ғўзани тупроқ иқлими ҳамда балл бонитети юқори бўлган, сув билан ишончли таъминланган майдонларга жойлаштиришга эътибор қаратиб, ҳосилдорликни ўртача 2 центнерга ошириш;<br>балл бонитети паст, кам ҳосилли ерларга сабзавот экинларини жойлаштириш. | | |
| 5. | Қорақалпоғистон Республикаси “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ Беруний тумани филиалига қарашли бўлган марказий омборхонанинг сиғимини кичиклиги сабабли (3000 тн), минерал ўғит захирасини тўлиқ яратиш (8500 тн) имконияти мавжуд эмас. Натижада, экинларни минерал ўғитлар билан озиқлантириш мавсумида минерал ўғит танқислиги вужудга келмоқда. Вужудга келган танқисликни қоплаш ва ўз вақтида минерал ўғитлар билан таъминлаш учун уларни 150 км узоқликдан ташишга тўғри келмоқда. Бу эса фермер хўжаликлари томонидан қўшимча сарф-харажатлар қилишни талаб қилмоқда. | Қорақалпоғистон Республикаси “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ туман филиалига қарашли 5 минг тонна сиғимга эга бўлган “Абай” ОФЙ ҳудудидаги омборхонани таъмирлаш. | 2018 йил март | “ҚҚагрокимёҳимоя” ҲАЖ (Джуманиязов), тижорат банклари, Беруний туман ҳокимлиги |
| **III. Фермер хўжаликларининг техника таъминотини яхшилаш, замонавий техника ва қишлоқ хўжалиги механизмларини харид қилиш, мавжуд техникалардан самарали фойдаланиш** | | | | |
| 6. | Тумандаги юқори унумли ҳайдов тракторларидан 5 таси, чопиқ тракторларидан 18 таси жисмонан эскирганлиги сабабли чигит экиладиган | 1. Тумандаги МТП, ММТП ва фермер хўжаликлари балансидаги мавжуд техникаларини қайта хатловдан ўтказиш, жисмонан эскирганларини ҳисобдан | 2018 йил март | “ҚҚдавтехназорат” инспекцияси (Айтжанов), Беруний туман ҳокимлиги |

| № | Йўл қўйилган камчиликлар | Бартараф этиш тадбирлари | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | майдонларни шудгорлаш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, ғўзани озиқлантириш ишлари муддатидан кечиктириб ўтказилган. | чиқариш.<br>2. Фермер хўжаликларига 2-иловада келтирилган қишлоқ хўжалиги техника ва механизмларни етказиб бериш учун уларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва уларни ўз муддатларида етказиб бериш. | 2018 йил жадвал бўйича | “Ўзагролизинг” АЖнинг ҚР филиали (Жумабаев), Беруний туман ҳокимлиги, тижорат банклари |
| | **IV. Фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини яхшилаш ва ҳисоб-китоб қилиш** | | | |
| 7. | Фермер хўжаликларининг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги қарздорликларини камайтириш, молиявий ҳолатини яхшилаш борасида тизимли чоралар амалга оширилмаган. Натижада, уларнинг жами кредитор қарздорлиги 18,6 млрд.сўмни ташкил қилиб, 2017 йил бошига нисбатан 8,5 млрд.сўмга ортган.<br>2017 йил такрорий экинлар ҳосили ҳисобидан ҳисоб рақамларига тушиши лозим бўлган 7,9 млрд. сўмдан, 5,4 млрд. сўми (68%) ҳисоб рақамига туширилмаган. | 1. Фермер хўжаликлари билан хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар ўртасидаги шартномаларни ўз вақтида тузиш, фермер хўжаликларига хизматлар кўрсатиш ва маҳсулот етказиб бериш ҳамда мавжуд қарздорликларни камайтириш мақсадида фермерлар кесимида “Сарф-харажатлар ва ҳисоб-китоб мониторинги” ҳамда “Агротехника тадбирларини бажариш технологик картаси”нинг электрон онлайн тизимини жорий этиш ва “Мониторинг маркази” фаолиятини янада такомиллаштириш.<br>2. Фермер хўжаликларининг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги мавжуд қарздорликларини мазкур қарорнинг 3-иловасига мувофиқ ундиришни таъминлаш. | 2018 йил I-чорак<br><br>2018 йил март | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Аминов), “ҚҚагрокимёҳимоя” ҲАЖ (Джуманиязов), “Қорақалпоқ Агро сервис МТП” МЧЖ, (Ҳакимов), “Қорақалпоқ худудий электр тармоқлари корхонаси” ҲАЖ (Керимзатов), “Тахиатош нефт база” МЧЖ (Абдимуратов), тижорат банклари, Беруний туман ҳокимлиги<br><br>“ҚҚагрокимёҳимоя” ҲАЖ (Джуманиязов), “Қорақалпоқ Агро сервис МТП” МЧЖ, (Ҳакимов), “Қорақалпоқ худудий электр тармоқлари корхонаси” ҲАЖ (Керимзатов), “Тахиатош нефт база” МЧЖ (Абдимуратов), Беруний туман ҳокимлиги |
| 8. | Туманда сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги насос станцияларини | Электр энергия харажатлари учун меъёр бўйича ажратилган маблағни фақат электр энергиясидан фойдаланувчи | 2018 йил январь-февраль | “Қорақалпоқ худудий электр тармоқлари корхонаси” ҲАЖ (Керимзатов), “Агробанк” АТБнинг ҚР бошқармаси (Балтабаев), |



| № | Йўл қўйилган камчиликлар | Бартараф этиш тадбирлари | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | ишлатишдан 133 та фермер хўжалигининг туман электр тармоқлари корхонасидан 923 млн.сўмдан ортиқ кредитор қарздорликлари мавжуд. | фермер хўжаликларига ажратиш ҳамда уни ўз вақтида мақсадли ўзлаштирилишини таъминлаш. | | Беруний тумани ҳокимлиги |

| № | Йўл қўйилган камчиликлар | Бартараф этиш тадбирлари | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| **II. Агротехника тадбирларини ўтказиш ва ташкил этиш** | | | | |
| 2. | Туманда кузги шудгорлаш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, минерал ўғитлар билан озиқлантириш ишлари сифатсиз ва ўз муддатидан кечиктириб ўтказилиши оқибатида пахта ҳосилининг йўқотилишига йўл қўйилган. | 1. Туманда 2018 йил ҳосили учун ерларни шудгорлаш, текислаш, шўр ювиш ишларини ўз муддатларида сифатли қилиб амалга ошириш.<br>2. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва минерал ўғитлар билан озиқлантиришда қатнашадиган қишлоқ хўжалиги техникаларини мавсумга тайёрлаш. | 2018 йил март<br><br>2018 йил март | Беруний туман ҳокимлиги<br><br>“Агроинтехника МТП” ДК, (Худаяров) “Қорақалпоқ Агро сервис МТП” МЧЖ, (Ҳакимов), “ҚҚдавтехназорат” инспекцияси (Айтжанов), “ҚҚагрокимёҳимоя” ҲАЖ (Джуманиязов) |
| 3. | Тумандаги фермер хўжаликлари тасарруфидаги 8 та насос тармоқларининг эскирганлиги сабабли уларнинг сув чиқариш қобилияти меъёрга нисбатан пасайган, электр энергия сарфи эса ошган. Фермер хўжаликларининг электр энергиясидан фойдаланиш бўйича қарздорлигининг мавжудлиги сабабли, насос станцияларини электр тармоғидан огоҳлантиришсиз узиб қўйиш ҳолатларига йўл қўйилган ва бир маромда ишлашини таъминлашда муаммолар юзага келган. Натижада, 9 та фермер хўжалигининг 250 гектар ғўза майдонларини ўз вақтида суғоришда қийинчиликлар бўлган. | 1. Сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатация маблағлари ҳисобидан 58 км ирригация тизимини тозалаш ва 26 дона насос станцияларини таъмирлаш.<br>2. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларининг маблағлари ҳисобидан 294 км суғориш тармоғини тозалаш ҳамда 35 дона насос станциясини таъмирлаш.<br>Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 3,5 км коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш, 166 км коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга ошириш. | 2018 йил тармоқ жадвал бўйича | Қуйи Амударё ИТҲБ (Узақов), Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича вакили (Хожаметов), Беруний туман ҳокимлиги, сув истеъмолчилари уюшмалари, фермер хўжаликлари |
| 4. | Ғўзани балл бонитети паст, сув билан яхши таъминланмаган, кам ҳосилли ер майдонларига чигит экилишига йўл қўйилганлиги натижасида режадаги | Тумандаги фермер хўжаликларининг ер балансидан келиб чиқиб, экинларни ҳар бир экин тури кесимида жойлаштириш. Бунда: | 2018 йил март | Беруний туман ҳокимлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Аминов) Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Султанов) |



| № | Йўл қўйилган камчиликлар | Бартараф этиш тадбирлари | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | пахта ҳосили олинмаган. | ғўзани тупроқ иқлими ҳамда балл бонитети юқори бўлган, сув билан ишончли таъминланган майдонларга жойлаштиришга эътибор қаратиб, ҳосилдорликни ўртача 2 центнерга ошириш;<br>балл бонитети паст, кам ҳосилли ерларга сабзавот экинларини жойлаштириш. | | |
| 5. | Қорақалпоғистон Республикаси “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ Беруний тумани филиалига қарашли бўлган марказий омборхонанинг сиғимини кичиклиги сабабли (3000 тн), минерал ўғит захирасини тўлиқ яратиш (8500 тн) имконияти мавжуд эмас. Натижада, экинларни минерал ўғитлар билан озиқлантириш мавсумида минерал ўғит танқислиги вужудга келмоқда. Вужудга келган танқисликни қоплаш ва ўз вақтида минерал ўғитлар билан таъминлаш учун уларни 150 км узоқликдан ташишга тўғри келмоқда. Бу эса фермер хўжаликлари томонидан қўшимча сарф-харажатлар қилишни талаб қилмоқда. | Қорақалпоғистон Республикаси “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ туман филиалига қарашли 5 минг тонна сиғимга эга бўлган “Абай” ОФЙ ҳудудидаги омборхонани таъмирлаш. | 2018 йил март | “ҚҚагрокимёҳимоя” ҲАЖ (Джуманиязов), тижорат банклари, Беруний туман ҳокимлиги |
| **III. Фермер хўжаликларининг техника таъминотини яхшилаш, замонавий техника ва қишлоқ хўжалиги механизмларини харид қилиш, мавжуд техникалардан самарали фойдаланиш** | | | | |
| 6. | Тумандаги юқори унумли ҳайдов тракторларидан 5 таси, чопиқ тракторларидан 18 таси жисмонан эскирганлиги сабабли чигит экиладиган | 1. Тумандаги МТП, ММТП ва фермер хўжаликлари балансидаги мавжуд техникаларини қайта хатловдан ўтказиш, жисмонан эскирганларини ҳисобдан | 2018 йил март | “ҚҚдавтехназорат” инспекцияси (Айтжанов), Беруний туман ҳокимлиги |

Вазирлар Кенгашининг
2017 йил "9" мартдаги
174-сонли қарорига
2-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизмлари етказиб беришнинг 2018-2019 йилларда мўлжалланган**

**ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧИ**

| № | Фермер хўжалиги номи | Ҳайдов тракторлари | | Шундан лизинг орқали | | | Чопиқ тракторлари | | Култиваторлар | | Сотиб олиш муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | сони | маблағи млн.сўм | Сони | маблағи млн.сўм | русуми | Сони | маблағи млн.сўм | Сони | маблағи млн.сўм | |
| | **1-сектор Туман ҳокимининг ҳудуди** | | | | | | | | | | |
| 1 | Джумамуратов Торебай | | | | | | 1 | 271,0 | | | 2018 йил II-чорак |
| 2 | Тўлқинбек Камоладдин | | | | | | 1 | 271,0 | 1 | 27,7 | 2018 йил I-чорак |
| 3 | Аширбой Амат | | | | | | | | 1 | 27,7 | 2018 йил II-чорак |
| 4 | Икром Тажибаевич | 1 | 625,9 | 1 | 625,9 | New Holland T70/60 | | | | | 2018 йил II-чорак |
| 5 | Мухриддин Қурбанбаев | 1 | 625,9 | 1 | 625,9 | | | | | | 2018 йил I-чорак |
| **5** | **Жами** | **2** | **1251,8** | **2** | **1251,8** | **х** | **2** | **542,0** | **2** | **55,4** | **х** |
| | **2-сектор Туман прокурорининг ҳудуди** | | | | | | | | | | |
| 1 | Беким Жуманов | 1 | 625,9 | 1 | 625,9 | New Holland T70/60 | | | | | 2018 йил I-чорак |
| 2 | Тошхирмон Кўкламзор | 1 | 625,9 | 1 | 625,9 | | | | | | 2018 йил II-чорак |
| 3 | Жаббор Матниязов | | | | | | 1 | 271,0 | 1 | 27,7 | 2018 йил I-чорак |
| **3** | **Жами** | **2** | **1251,8** | **2** | **1251,8** | | **1** | **271,0** | **1** | **27,7** | **х** |
| | **3-сектор Туман Ички ишлар бўлим бошлиғининг ҳудуди** | | | | | | | | | | |
| 1 | Берунийли Анварбек | 1 | 625,9 | 1 | 625,9 | New Holland T70/60 | | | | | 2018 йил II-чорак |
| 2 | Худайберган Қассоб | 1 | 625,9 | 1 | 625,9 | | | | | | 2018 йил I-чорак |
| 3 | Абилов Сарвар | 1 | 625,9 | 1 | 625,9 | | | | | | 2018 йил II-чорак |
| **3** | **Жами** | **3** | **1877,7** | **3** | **1877,7** | **х** | | | | | **х** |
| | **4-сектор Туман Давлат солиқ инспекциясининг ҳудуди** | | | | | | | | | | |
| 1 | Берунийли Айбек | 1 | 625,9 | 1 | 625,9 | New Holland T70/60 | | | | | 2018 йил II-чорак |
| 2 | Тўра Айгул | | | | | | 1 | 271,0 | | | 2018 йил II-чорак |
| 3 | Жавохир Жаросхон | | | | | | | | 1 | 27,7 | 2018 йил I-чорак |
| **3** | **Жами** | **1** | **625,9** | **1** | **625,9** | | **1** | **271,0** | **1** | **27,7** | |
| 1 | "Агросервис" МТП МЧЖ | 5 | 3129,5 | 5 | 3129,5 | | 4 | 271,0 | | | 2018 йил I-чорак |
| | **Ҳаммаси** | **13** | **8136,7** | **13** | **8136,7** | | **8** | **1355,0** | **4** | **110,8** | |

Вазирлар Кенгашининг
2017 йил "9" мартдаги
174-сонли қарорига
3-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги барча тоифадаги фермер хўжаликларининг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги кредитор қарздорликларини ундириш**

**РЕЖА-ЖАДВАЛИ**

| № | Ҳудудлар номи | Фермер хўжалик-лари сони | 2018 йил 1 январдаги ҳолатига кўра жами кредитор қарздорлиги | шундан тармоқлар бўйича: | | | | Жами қоплана-диган қарздорлик | 2018 йил 1 апрель ҳолатига кутиладиган қарздорлик |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | "Агрокимё-ҳимоя" АЖ | нефт маҳсулот-лари корхона-ларидан | электр тармоқлари корхоналаридан | "Агротех-сервис" МТП МЧЖ | | |
| | **1-сектор Туман ҳокимининг ҳудуди** | | | | | | | | |
| 1 | Олтинсой | 35 | 1520,9 | 501,1 | 994,9 | 8,5 | 16,5 | 162,6 | 1358,3 |
| 2 | Бийбазар | 32 | 960,6 | 482,0 | 460,8 | 7,8 | 10,0 | 196,5 | 764,1 |
| 3 | Беруний | 63 | 3035,2 | 1651,2 | 1206,8 | 170,3 | 6,9 | 490,9 | 2544,3 |
| 4 | Янгиобод Найман | 18 | 681,7 | 263,4 | 377,4 | 38,5 | 2,4 | 125,4 | 556,2 |
| **4** | **Жами** | **148** | **6198,4** | **2897,8** | **3039,9** | **225,1** | **35,8** | **975,4** | **5222,9** |
| | **2-сектор Туман прокурорининг ҳудуди** | | | | | | | | |
| 1 | Жуманиязов | 20 | 694,1 | 233,8 | 412,8 | 42,4 | 5,1 | 156,1 | 538 |
| 2 | Гулистон | 19 | 1306 | 446,2 | 696,3 | 158,8 | 4,7 | 79,6 | 1226,3 |
| 3 | Навоий | 21 | 1064,5 | 265,7 | 692,3 | 99,6 | 6,9 | 112,3 | 952,3 |
| **3** | **Жами** | **60** | **3064,6** | **945,7** | **1801,4** | **300,8** | **16,7** | **348** | **2716,6** |
| | **3-сектор Туман Ички ишлар бўлим бошлиғининг ҳудуди** | | | | | | | | |
| 1 | Озод | 17 | 804,2 | 289,5 | 432,7 | 78,1 | 3,9 | 53 | 751,2 |
| 2 | Маҳтумқули | 19 | 573,5 | 237,9 | 290,9 | 39,2 | 5,5 | 252 | 321,5 |
| 3 | Улуғбек | 32 | 708,6 | 252,7 | 446,7 | | 9,2 | 204,3 | 504,3 |
| 4 | Алғабас | 21 | 915,2 | 443,1 | 462,9 | | 9,2 | 90,6 | 824,6 |
| **4** | **Жами** | **89** | **3001,5** | **1223,2** | **1633,2** | **117,3** | **27,7** | **599,9** | **2401,6** |
| | **4-сектор Туман Давлат солиқ инспекциясининг ҳудуди** | | | | | | | | |
| 1 | Шоббоз | 23 | 1034,2 | 327,7 | 662,8 | 41,2 | 2,4 | 169,8 | 864,4 |
| 2 | Қиётобод | 23 | 697,5 | 153,1 | 466,5 | 70,6 | 7,4 | 512,8 | 184,8 |
| **2** | **Жами** | **46** | **1731,7** | **480,8** | **1129,3** | **111,8** | **9,8** | **682,6** | **1049,2** |
| **13** | **Ҳаммаси** | **343** | **13996,2** | **5547,5** | **7603,8** | **754,9** | **90,0** | **2605,9** | **11390,3** |

Вазирлар Кенгашининг
2017 йил "9" мартдаги
174-сонли қарорига
4-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида 2018 йил фермер хўжаликлари томонидан экин майдонларидан ташқарида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларда енгил конструкцияли ва кам харажатли дала шийпонлари ва иссиқхоналар қуриш, парранда, соғин сигир ҳамда асалари боқишни ташкил этиш**

## ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| № | Худудлар номи | Фермер хўжалик-лари сони | шу жумладан: | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Дала шийпон қурадиган ф/х сони | камида 1 сотихли иссиқхона қуриш | | ўртача 50 бош парранда боқиш | | бир бошдан соғин сигир боқиш | | 5 кутидан асалари боқиш | |
| | | | | ф/х сони | жами майдони, га | ф/х сони | жами парранда сони, бош | ф/х сони | жами сигир сони, бош | ф/х сони | жами кути сони, дона |
| | **1-сектор Туман ҳокимининг ҳудуди** | | | | | | | | | | |
| 1 | Олтинсой | 35 | 11 | 6 | 0,006 | 8 | 400 | 6 | 6 | 5 | 25 |
| 2 | Бийбазар | 32 | 10 | 5 | 0,005 | 7 | 350 | 6 | 6 | 5 | 25 |
| 3 | Беруний | 63 | 20 | 11 | 0,011 | 14 | 700 | 11 | 11 | 10 | 50 |
| 4 | Янгиобод Найман | 18 | 6 | 3 | 0,003 | 4 | 200 | 3 | 3 | 3 | 15 |
| **4** | **Жами** | **148** | **47** | **25** | **0,025** | **33** | **1650** | **26** | **26** | **23** | **115** |
| | **2-сектор Туман прокурорининг ҳудуди** | | | | | | | | | | |
| 1 | Жуманиязов | 20 | 6 | 3 | 0,003 | 4 | 200 | 4 | 4 | 3 | 15 |
| 2 | Гулистон | 19 | 6 | 3 | 0,003 | 4 | 200 | 3 | 3 | 3 | 15 |
| 3 | Навоий | 21 | 7 | 4 | 0,004 | 5 | 250 | 4 | 4 | 3 | 15 |
| **3** | **Жами** | **60** | **19** | **10** | **0,01** | **13** | **650** | **11** | **11** | **9** | **45** |
| | **3-сектор Туман Ички ишлар бўлим бошлиғининг ҳудуди** | | | | | | | | | | |
| 1 | Озод | 17 | 5 | 3 | 0,003 | 4 | 200 | 3 | 3 | 3 | 15 |
| 2 | Маҳтумқули | 19 | 6 | 3 | 0,003 | 4 | 200 | 3 | 3 | 3 | 15 |
| 3 | Улуғбек | 32 | 10 | 5 | 0,005 | 7 | 350 | 6 | 6 | 5 | 25 |
| 4 | Алғабас | 21 | 7 | 4 | 0,004 | 5 | 250 | 4 | 4 | 3 | 15 |
| **4** | **Жами** | **89** | **28** | **15** | **0,015** | **20** | **1000** | **16** | **16** | **14** | **70** |
| | **4-сектор Туман Давлат солиқ инспекциясининг ҳудуди** | | | | | | | | | | |
| 1 | Шоббоз | 23 | 7 | 4 | 0,004 | 5 | 250 | 4 | 4 | 4 | 20 |
| 2 | Қиётобод | 23 | 7 | 4 | 0,004 | 5 | 250 | 4 | 4 | 4 | 20 |
| **2** | **Жами** | **46** | **14** | **8** | **0,008** | **10** | **500** | **8** | **8** | **8** | **40** |
| **13** | **Ҳаммаси** | **343** | **108** | **58** | **0,058** | **76** | **3800** | **61** | **61** | **54** | **270** |

Вазирлар Кенгашининг
2017 йил "9" мартдаги
174-сонли қарорига
5-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида 2018 йил фермер хўжаликлари томонидан пахта ва ғалла экинлари экиладиган ер майдонлари атрофларидаги дала четларининг**

## ҲИСОБ-КИТОБИ

| № | Худудлар номи | Жами | | | шу жумладан: | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ғалла | | | | пахта | | | |
| | | ер майдони, га | контур-лар сони | дала четлари узунлиги, п.км | ф/х сони | ер майдони, га | контур-лар сони | дала четлари узунлиги, п.км | ф/х сони | ер майдони, га | контур-лар сони | дала четлари узунлиги, п.км |
| | **1-сектор Туман ҳокимининг ҳудуди** | | | | | | | | | | | |
| 1 | Олтинсой | 1,32 | 387 | 199 | 35 | 0,4 | 123 | 63 | 35 | 0,95 | 264 | 136,8 |
| 2 | Бийбазар | 1,35 | 395 | 203 | 30 | 0,4 | 126 | 64 | 32 | 0,97 | 269 | 139,6 |
| 3 | Беруний | 2,37 | 679 | 351 | 60 | 0,4 | 123 | 63 | 63 | 2,00 | 555 | 287,9 |
| 4 | Янгиобод Найман | 0,79 | 226 | 117 | 18 | 0,1 | 46 | 23 | 18 | 0,65 | 180 | 93,6 |
| **4** | **Жами** | **5,83** | **1686,3** | **870** | **143** | **1,3** | **418** | **213** | **148** | **4,57** | **1268** | **657,9** |
| | **2-сектор Туман прокурорининг ҳудуди** | | | | | | | | | | | |
| 1 | Жуманиязов | 0,97 | 284 | 146 | 17 | 0,3 | 90 | 46 | 20 | 0,70 | 194 | 100,8 |
| 2 | Гулистон | 0,85 | 242 | 125 | 20 | 0,1 | 33 | 17 | 19 | 0,75 | 208 | 108,0 |
| 3 | Навоий | 0,85 | 246 | 127 | 19 | 0,2 | 60 | 30 | 21 | 0,67 | 186 | 96,5 |
| **3** | **Жами** | **2,67** | **771,6** | **398** | **56** | **0,5** | **183** | **93** | **60** | **2,12** | **588** | **305,3** |
| | **3-сектор Туман Ички ишлар бўлим бошлиғининг ҳудуди** | | | | | | | | | | | |
| 1 | Озод | 0,65 | 186 | 96 | 18 | 0,1 | 33 | 17 | 17 | 0,55 | 153 | 79,2 |
| 2 | Маҳтумқули | 0,93 | 268 | 138 | 19 | 0,2 | 57 | 29 | 19 | 0,76 | 211 | 109,4 |
| 3 | Улуғбек | 1,22 | 350 | 181 | 31 | 0,2 | 75 | 38 | 32 | 0,99 | 275 | 142,5 |
| 4 | Алғабас | 0,93 | 267 | 138 | 22 | 0,2 | 58 | 30 | 21 | 0,75 | 208 | 108,0 |
| **4** | **Жами** | **3,73** | **1070,1** | **553,7** | **90** | **0,7** | **223** | **113,4** | **89** | **3,05** | **847** | **439,1** |
| | **4-сектор Туман Давлат солиқ инспекциясининг ҳудуди** | | | | | | | | | | | |
| 1 | Шоббоз | 1,16 | 335 | 173 | 23 | 0,3 | 85 | 43 | 23 | 0,90 | 250 | 129,6 |
| 2 | Қиётобод | 1,27 | 368 | 190 | 20 | 0,3 | 90 | 46 | 23 | 1,00 | 278 | 144,0 |
| **2** | **Жами** | **2,43** | **703** | **362** | **43** | **0,5** | **175** | **89** | **46** | **1,90** | **528** | **273,6** |
| **13** | **Ҳаммаси** | **14,64** | **4231** | **2184** | **332** | **3,0** | **1000** | **508** | **343** | **11,64** | **3231** | **1676** |

Вазирлар Кенгашининг
2017 йил "9" мартдаги
174-сонли қарорига
7-илова

## Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида 2018 йилда кузги бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинлари жойлаштиришнинг

## ПРОГНОЗ КЎСАТКИЧЛАРИ

| № | Ҳудудлар номи | Бошоқли дон экинлари майдони, га | Такрорий экин экиладиган майдон, га | шу жумладан: | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сабзавот экинлари | картошка | кунгабоқар | соя | дуккакли экинлар | шоли |
| | **1-сектор Туман ҳокимининг худуди** | | | | | | | | |
| 1 | Олтинсой | 370 | 250 | 15 | 5 | 25 | 25 | 50 | 130 |
| 2 | Бийбазар | 380 | 260 | 20 | 30 | 25 | 25 | 50 | 110 |
| 3 | Беруний | 370 | 245 | 25 | 25 | 20 | 25 | 50 | 100 |
| 4 | Янгиобод Найман | 140 | 100 | 10 | 10 | 10 | 10 | 30 | 30 |
| **4** | **Жами** | **1260** | **855** | **70** | **70** | **80** | **85** | **180** | **370** |
| | **2-сектор Туман прокурорининг худуди** | | | | | | | | |
| 1 | Жуманиязов | 270 | 160 | 40 | 45 | 15 | | 35 | 25 |
| 2 | Гулистон | 90 | 47 | 10 | 22 | | | 15 | |
| 3 | Навоий | 180 | 110 | 45 | 30 | 20 | | 15 | |
| **3** | **Жами** | **540** | **317** | **95** | **97** | **35** | **0** | **65** | **25** |
| | **3-сектор Туман Ички ишлар бўлим бошлиғининг худуди** | | | | | | | | |
| 1 | Озод | 100 | 45 | 10 | 5 | | | 15 | 15 |
| 2 | Маҳтумқули | 167 | 100 | 15 | 20 | 20 | | 10 | 35 |
| 3 | Улуғбек | 227 | 145 | 20 | 15 | 20 | 10 | 30 | 50 |
| 4 | Алғабас | 180 | 108 | 15 | 8 | 10 | 5 | 40 | 30 |
| **4** | **Жами** | **674** | **398** | **60** | **48** | **50** | **15** | **95** | **130** |
| | **4-сектор Туман Давлат солиқ инспекциясининг худуди** | | | | | | | | |
| 1 | Шоббоз | 256 | 150 | 35 | 40 | 15 | | 35 | 25 |
| 2 | Қиётобод | 270 | 165 | 25 | 45 | 20 | | 25 | 50 |
| **2** | **Жами** | **526** | **315** | **60** | **85** | **35** | **0** | **60** | **75** |
| **13** | **Ҳаммаси** | **3000** | **1885** | **285** | **300** | **200** | **100** | **400** | **600** |